



5–6-MAY  
2023

TOSHKENT,  
O'ZBEKISTON



**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G'OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**III XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**IMV**  
FEDERASYON VA HOLIYA VASIDLISI



**IMRS**  
Institute for Macroeconomic  
and Regional Studies

**CHDPU**  
CHIRCHIQ DAYLAT  
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

# ДЕЛЬТА ҲУДУДЛАРИНИНГ ТАБИЙ-ХЎЖАЛИК ТИЗИМИ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ҲАВЗАВИЙ КОНЦЕПЦИЯНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Уразбаев Абдукарим Кендирибаевич

г.ф.д., профессор в.б.

Чирчик давлат педагогика университети

e-mail- [urazbayev1955@mail.ru](mailto:urazbayev1955@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада илк бор сугориладиган ҳудудларнинг коллектор ҳавзалари бир бутун табиий-хўжалик тизимларини ўрганишда ҳавзвавий концепциянинг рельеф пластикаси усули ёрдамида қўлланилишининг асосий босқичлари очиб берилган.

**Калим сўзлар:** табиий-хўжалик тизими, табиатдан фойдаланишининг ҳавзвавий концепцияси, коллектор ҳавзаси, рельеф пластикаси, ҳавзвавий карталаштириши, барқарор ривожланиши.

## USING THE BASIN CONCEPT OF THE NATURAL AND ECONOMIC SYSTEMS OF DELTA TERRITORIES

Urazbayev Abdulkarim

**Abstract:** In the article, for the first time, the main stages of the application of the basin concept using the method of relief plasticity in the study of the entire natural and economic systems of the catchment basins of the irrigated areas are disclosed.

**Keywords:** natural economic system, basin concept of nature use, catchment basin, relief plasticity, basin mapping, sustainable development.

Тадқиқотнинг мақсади Амударё ҳозирги дельтаси сугориладиган ҳудудларининг “табиий-хўжалик тизими”ни ўрганишда ҳавзвавий концепциянинг назариясига асосланган ҳолда ҳавзвавий карталаштириш-рельеф пластикаси усулини қўллашнинг методологик асосларини кўрсатишидир. Шуларни ҳисобга олган олда, ишнинг вазифаси “табиий-хўжалик тизим”ларининг коллектор ҳавзаларида қонунли ўзгариб боришини илмий ва амалий асослаб беришдан иборат.

Суформа дехқончиликнинг ривожланишида дельталар алоҳида ўрин тутади. Машхур геолог олим Я.Г.Ғуломов ўзининг асарида [10] дельталарда, шу жумладан, Хоразм воҳаси жойлашган Сариқамиш дельтасида хам суформа дехқончиликнинг ривожланишини шу ҳудуднинг унимдор тупроғи ва Амударё суви билан боғлайди. В.Н. Федорко ўзининг тадқиқотларида [9] Ўрта Осиёдаги суформа дехқончилик ривожланган барча конус ёйилмаларини ва дельталарни географик таҳлил қилиб, табиат-аҳоли-хўжалик элементларининг бир-бирига таъсирини ҳудудий-хўжалик тизимида таҳлил қиласди. Муаллифнинг ёзишича дарёларнинг қуйилиш кисмида жойлашган воҳаларни тадқиқ қилишда илк бор геокомплекс ёндошувни қўллаган [9].

Дарё ҳавзаларини геотизим сифатида тадқиқ қилишда Л.М. Корытныйнинг илмий ишлари [2] алоҳида ўрин тутади. Олим сўнгти йилларда ўзининг илмий ғояларини давом эттириб, табиатдан фойдаланишда ҳавзвавий концепцияни ишлаб чиқади. Бошқача айтганда, дарё ҳавзаларини бир бутун табиий-хўжалик тизими деб қарайди. Бизнинг фикримизча,

коллектор ҳавзаларида табиий-мелиоратив шароитга боғланган ҳолда табиий-хўжалик тизими шаклланади ва ривожланади. Суғориладиган ҳудудлардаги табиий-хўжалик тизимини тадқиқ қилишда ҳавзаний карталаштириш методи бўлган рельеф пластикасини асос килиб олдик ва бир неча босқичларга ажратдик.

Бу билиш тизимида биз табиатдан фойдаланишдаги ҳавзаний концепциянинг назариясига асосландик. Бу ерда шуни алохида таъкидлаб ўтиш керакки, рельеф пластикаси картасидаги баландликлар ва пастликларнинг йигиндиси у ёки бу ўлчамдаги ҳавзани хосил килади. Бошқача қилиб айтганда, ҳавзаний карталаштириш усули бўлган рельеф пластикасининг назарияси тўғридан-тўғри табиатдан фойдаланишдаги ҳавзаний концепцияга мос келади.

Табнатдан фойдаланишдаги ҳавзаний концепциянинг асосида дарё, кўл, денгиз ҳавзалари бўлса, бизнинг тадқиқот обьектимиз бўлган суғориладиган ҳудудларда эса коллектор ҳавзалари бўлади. Амударё хозирги дельтаси шароитида кичик дельталарнинг йигиндиси маълум бир коллектор ҳавзаларини ҳосил қилиб, уларнинг табиий чегараси ўзан бўйи баландликларидан ёки ана шу баландликларда жойлашган каналлардан ўтади. Шунинг учун ҳам табиатдан фойдаланишдаги ҳавзаний концепцияда "ҳавза" тушунчаси алохида ўрин тутади. Ҳавзалар фақат гидрологик тизим бўлиб колмасдан, балки шу билан биргаликда геоморфологик тизим бўлиб ҳам ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, коллектор ҳавзаларига гидрология ва геоморфология фанлари нуқтаи назаридан қарашга асос яратади. Коллектор ҳавзаларидаги зовурларнинг табақаланишга рельеф структураси тўғри таъсир этади.

Ҳавза тушунчаси ландшафтлар геокимёси фанида ҳам алохида ўрин тутади. Ана шунинг учун ҳам ландшафтлар геокимёси фанининг асосчиси Б.Б.Полынов шундай деб ёзди: "Барча геокимёвий тадқиқотлар фақат ҳавзалар асосида олиб борилиши керак" [4]. Ҳавзадаги элементларни (баландликлар ва пастликлар) бир-бири билан боғловчи тизим ҳосил қилувчи ер усти сув окимлари ландшафтларнинг табиий-мелиоратив шароитига таъсир қиласи. Бизнингча, коллектор ҳавзаларида табиий-мелиоратив шароит кичик дельталарнинг "даражасимон" шакли билан боғланган бўлиб, ҳавза эгаллаган майдонда тартиб билан ўзгаради. Коллектор ҳавзаларида табиат компонентларининг ва табиий ресурсларнинг тартиб билан ўзгариши ўз навбатида обьектдаги табиатдан фойдаланишда ҳавза концепциясини кўллашнинг асосини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида коллектор ҳавзаларини яхлит табиий-хўжалик тизими деб қарашга асос бўлади.

Коллектор ҳавзаларининг ички структураси тўғридан-тўғри табиий-хўжалик тизимларига таъсир этади. Бу ўзаро таъсирни қўнғирот коллектор тизими мисолида тадқик қилишини мақсад қилиб қўйдик. Қўнғирот коллектор тизими бошқа коллектор ҳавзаларидан тубдан фарқ қиласи, яъни бу коллектор ҳавзасида элементар ландшафт гурухлари бир-бири билан қисқа масофада тез алмашинади. Бу алмашиниш жараёнлари табиий-хўжалик тизимида таъсир этади. Қўнғирот коллектор тизимининг ички структураси Улдарё кичик дельтасидан, Киятджарган кичик дельтасининг куйи кисмидан, Раушан кичик дельтасининг ўрта ҳамда куйи қисмларидан ва Амударё ўзан бўйи баландликларидан иборат. Қўнғирот коллектор тизимида Улдарё кичик дельтасининг барча қисмлари, яъни юқори, ўрта ва қуйи қисмлари жойлашган. Улдарё кичик дельтасининг Амударё бўйидаги ҳудудларини ҳисобга олмаганда, юқори ва ўрта қисмларida асосан пахта, беда, полиз экинлари экиласи. Ана шу экинлар билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари кичик дельтанинг айниқса юқори қисмida мўл ҳосил олади, яъни бу ҳудудларда грунт сувининг чуқурлиги 3-5 м ўрта қисмida жойлашган фермер хўжаликлари эса юқори қисмida жойлашган хўжаликларга нисбатан кам ҳосил олади. Демак,

табиий-мелиоратив шароитининг мураккаблик даражалари табиий-хўжалик тизимларининг иқтисодиётига таъсир этмоқда. Бошқача айтганда, табиий-хўжалик тизимлари Улдарё кичик дельтасининг юқори ва ўрта қисмидаги табиат компонентлари, яъни грунт сувининг чукурлиги, тупроқларнинг мелиоратив холати, рельеф структураси наносларнинг методологик таркиби билан чамбарчас боғлиқ. Улдарё кичик дельтасининг қисман ўрта ва куйи қисмларида шоли экилади. Бу худудда шоли экилишини авваламбор табиий-мелиоратив шароит такозо қилади, яъни худуд Улдарё кичик дельтасининг жойлашганилиги учун грунт сувининг чукурлиги 1-2 м ни ташкил этади. Шоли экиладиган худудлардан сўнг Судочье кўли атрофидаги пастликлар бошланади. Бу худуддаги тупроқларда доимо шўрланиш жараёни актив бўлганлиги учун қишлоқ хўжалиги экинларини катта майдонларда экиш ижобий натижа бермайди. Бошқача айтганда, Судочье кўли атрофида Қиятджарлаган Улдарё ва Раушан кичик дельталарининг куйи қисмлари туташади, яъни рельефда баландликларга нисбатан пастликлар хукмронлик килади. Шу билан бир қаторда бу худудга ер усти сув оқимлари юқори қисмлардан тўхтовсиз заарли тузларни олиб келади ва ётқизади.

Шундай қилиб, ҳар бир коллектор ҳавзасидаги табиий хўжалик тизими обьектнинг ички структураси билан боғланган бўлади. Унинг ижобий ривожланиши ёки тараққиётдан орқада қолиши ана шу коллектор ҳавзасининг ҳосил қилган кичик дельталарнинг структураси билан чамбарchas боғлиқ.

Коллектор ҳавзаларида жойлашган ҳар бир табиий-хўжалик тизими ана шу коллектор ҳавзаларининг ички структураси билан боғланган ҳолда алоқадорликда бўлмоғи лозим. Агар биз коллектор ҳавзаларидаги табиий-хўжалик тизимларининг қонунли ўзгариши ва ўзаро ривожланишини ана шу обьектнинг ички структурасини ҳисобга олмаган ҳолда худудий жойлаштирасак ҳеч қачон муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Бошқача айтганда, табиий-хўжалик тизимларининг қонунли ўзгариши қонуниятларида бу хўжаликлар коллектор ҳавзасининг бир бутун функционал яхлитлиги билан ўзаро алоқадорликда бўлиши замон талабидир.

**Хуноса.** 1. Ҳар қандай қуруқлиқдаги сув ҳавзалари: дарё, кўл ва коллекторлар ўзига хос функционал яхлитликни ҳосил қилади ва улар "Табиий-хўжалик тизим"и сифатида таҳлил қилинади. Бу эса ўз навбатида табиатнинг табиий ресурсларидан ҳавзавий концепция асосида оқилона фойдаланишга асос яратади.

2. Табиий ресурслардан ҳавзавий концепция асосида оқилона фойдаланишда ҳавзавий карталаштириш усули бўлган рельеф пластикаси алоҳида рол ўйнайди. Регионал ва локал масштабдаги ҳар қандай баландликлар ва пастликлар ўзаро бирлашиб, ҳар хил катталиктаги ҳавзаларни ҳосил килади.

3. Дельта геотизимларидаги табиий-хўжалик тизимларини таҳлил қилиш учун йирик масштабли топографик карталар асосида яратилган рельеф пластикаси карталари зарур. Яратилган рельеф пластикаси карталари илк бор Амударё ҳозирги дельтасисида бир неча "дарахтсимон" кичик дельталарни ажратишга имкон яратди. Яратилган йирик масштабли рельеф пластикаси Амударё ҳозирги дельтасининг рельефи хакидаги тасаввуримизни умуман ўзgartирди ва у ҳар хил ёшдаги кичик дельталардан иборат эканлигини илмий ҳамда амалий исботлади.

4. Коллектор ҳавзаларининг ички структураси бир неча кичик дельталардан иборат. Ҳар бир кичик дельталарнинг табиий-мелиоратив шароитига кўра "Табиий-хўжалик тизим"и жойланиши керак, яъни кичик дельталардаги табиий-мелиоратив шароит "Табиий-хўжалик

тизим”ларига тұғридан-тұғри таъсир этади. Бу алоқадорликда тизим ҳосил қилувчи ер усти сув оқымлари алохидан роль үйнайды.

5. Коллектор ҳавзалари ўзига хос функционал яхлитлиқка эга бўлганлиги учун уларни геотизим ёки иқтисодий географик район сифатида таҳлил қилиш янги инновацион гояларни амалга оширишга имкон беради. Коллектор ҳавзаларидаги “Табиий-хўжалик тизим”лар ўз навбатида табиий-мелиоратив шароит билан алоқадорликда бўлиши шу объектни алохидан иқтисодий географик район деб карашга илмий асос яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Докучаев В.В. Избранные труды. - М.: Изд-во АН СССР, 1953. – Т.7. – 504 с.
2. Корытный Л.М. Бассейновая концепция: от гидрологии к природопользованию //География и природные ресурсы. 2017. №2. - С. 5-16.
3. Лопатин Г.В. Строения дельты Амудары и история её формирования // Труды Лаборатории озероведения. Т. IV.-М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1957. - С. 5-34.
4. Полянов Б.Б. Учение о ландшафтах. Избранные труды. - М.: Изд-во АН СССР, 1956. – 751 с.
5. Ретеюм А.Ю. Физико-географическое районирование и выделение геосистем. // Вопросы географии. Сб. 98. - М.: Мысль, 1975. - С. 5-27.
6. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. М.: Просвещение, 1980. - 270 с.
7. Степанов И.Н. Формы в мире почв.-М.: Наука, 1986. – 192 с.
8. Уразбаев А.К. Системная организация природно-мелиоративных условий современной дельты Амудары. Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. докт. геогр. наук. - Т., 2002. – 48 с.
9. Федорко В.Н. Устьевые оазисы Средней Азии: опыт комплексного сравнительно-типологического исследования. Монография. - Т., 2013. - 134 с.
10. Фуломов Я.Ғ. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. -Т.: Фан, 1959. - 1320 б.Усманов М.Р., Баротова Г.Б. Қишлоқ туризмининг ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатлари

7.	<b>Рафиков Вахоб Асомович, Рафикова Нодирахон Аъзамовна</b> ОЦЕНКА РАЗВИТИЯ ОПУСТЫНИВАНИЯ В ЭКОСИСТЕМАХ БАССЕЙНА АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОГО ПОТЕПЛЕНИЯ	55
8.	<b>Аҳмаджонов Аброржон Икромжон ўғли</b> ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ	59
9.	<b>Abdullayev Suyun Ismatovich, Qazoqova Orasta Xayrullo qizi</b> AGROLANDSHAFTLARNING TARKIB TOPISHI VA XUSUSIYATLARI	61
10.	<b>Olimova Dilso‘z Abduxalimovna, Nasrulloyeva Sabrina Nasrullo qizi</b> OROLBO‘YIDA TUPROQ DEGRADATSIYASIGA QARSHI KURASHNING NAZARIY ASOSLARI VA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI	64
11.	<b>Абдуназаров Укташ Кобилжанович</b> КОЛЕБАНИЕ КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ПЛЕЙСТОЦЕНА СРЕДНЕЙ АЗИИ	68
12.	<b>Avezova Aziza Maqsud qizi, Ibragimova Rana Alimbayevna</b> BIOXILMA-XILLIKNI SAQLASHDA MUHOFAZA ETILADIGAN HUDUDLARNING AHAMIYATI	72
13.	<b>Sag‘dullayev Quvonchbek Akmal o‘g‘li Komilova Nilufar Qarshiboyevna</b> XATIRCHI TUMANIDA EKOTURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI	75
14.	<b>Lolayev Abror, Omonov Kamoliddin</b> QUMQURG‘ON TUMANI TABIIY SHAROITI VA RESURSLARIDAN OQILONA FOYDALANISH MASALALARI	78
15.	<b>Шомуродова Шаҳноза Ғайратовна</b> ЧОРВОҚ ЗОНАСИДА ЖОЙЛАШГАН АҚСАРСОЙ ВА УРУНГАЧ КЎЛИ ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ	82
16.	<b>Уразбаев Абдукарим Кендираевич</b> ДЕЛЬТА ҲУДУДЛАРИНИНГ ТАБИИЙ-ХЎЖАЛИК ТИЗИМИ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ҲАВЗАВИЙ КОНЦЕПЦИЯНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	86
17.	<b>Иброимов Шерзод Иброим ўғли</b> ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИНИНГ ДАРАХТСИМОН ЛАНДШАФТ КОМПЛЕКСЛАРИ	90
18.	<b>Jumaniyazova Sarvinoz Mansur qizi, Jumaniyazova Dildora Shavkatovna</b> URUNGACH KO‘LI ATROFIDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI	94
19.	<b>Mirzoyeva I.E</b> TO‘DAKO‘L SUV OMBORI HUDUDINING TABIIY GEOGRAFIK XUSUSIYATLARI	98
20.	<b>Abduqodirova Yoqutxon Usmon qizi</b> QORAQALPOQ, YOZYOVON CHO‘LLARINING GIRDOGRAFIK HOLATI	101
21.	<b>Сабитова Наиля Исмаиловна Белялова Левиза Сабриевна</b> ВОЗДЕЙСТВИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА ПРОЯВЛЕНИЕ ОПОЛЗНЕВЫХ ПРОЦЕССОВ (на примере оползней верховьев р. Чирчик)	105